

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ТИББИЁТ
Саъдуллаева М.З., 109-гуруҳ 2 Педиатрия ва тиббий биология
факультети

Илмий раҳбар: доцент, т.ф.н., Каримова М.Ж.
Фуқаролик жамияти, педагогика ва психология кафедраси

Долзарблиги: Тарихимизни билишимиз, ундан ўрнатқилишимизда ва ҳаётимизда керак бўлганда тўғри хулосалар чиқаришимизда муҳимдир. Касбимизга оид бўлган тарихий жараёнларни ўрганишимиз бугунги кунда унинг долзарблигини билдиради. А.Темур давридаги табобат илми қандай ривожланди, бугун биз ундан нималарни англаб олишимиз керак? Деган саволларни ечимини топа олишимиз учун ҳам бу мавзу долзарбдир.

Мақсад: Амир Темур давридаги тиббиёт илмини ўрганиш, ундан керакли бўлган хулосани чиқара олиш.

Амир Темурнинг улкан марказлашган давлатда осойишталикни ўрнатиши, иқтисодиёт ва савдо-сотиқ соҳасида олиб борган сиёсати, мамлакатдаги шаҳарларни ободонлаштириш, илм-маърифат, ҳунар ва касб эгаларининг қадрини кўтариш натижасида маданият тараққиёти юксак поғонага кўтарилди. Бу ҳақда манбаларда,- Амир Темурнинг салтанат тахтига чиққандан кейин, Сайидларга иззат - икром кўрсатиб, имомлар, ислом уламолари, қозилар ва улуғ шайхларни ҳурматини жойига қўйиб, уларга эътибор берганлигини, талабаларнинг нафақалари лозим бўлган миқдордан ҳам кўпроқ белгиланиб, бир неча минг нафар турли илмларни эгаллаган истеъдод эгалари унинг улуғвор саховатидан баҳраманд бўлганлари, ҳар бир олим ва фозил иззат, мартаба ва шуҳратга сазовор бўлиб, натижада илм-фан ривожланганлигини айтади.

Алишер Навоийнинг сўзича, Темурнинг подшолик давридан эътиборан туркий адабиёт кенг тараққий эта бошлайди. Яна Навоий Темур ҳақида бундай деб ёзган эди: “Темур Кўрагон... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонича бор. Табарруқ ҳайсиятиданким, ул ҳазратнинг муборак исми бу мухтасарда бўлғай ва ул латойифдин бири била ихтисор қилинур

Амир соҳибқирон илму ҳикмат аҳли ва фан арбоблари билан ғоятда дўстлашган эди. Уларни эъзозу икром қилишда муболағалар кўрсатади. Тиб ва нужум илмларининг машҳур масалаларида (ҳам) етарли маълумотга эга эди. Ахлоқининг гўзаллиги шу даражада эдики, унинг сўзлари ва рафторининг ҳусни жамий фазилатлар бобининг дебочаси бўлди. Унинг юриш-туриш тарзи табиий мезон ва одатга айланди. Ўзининг аксар вақтини саййидлар, олимлар машойихлар билан суҳбатлашишга сарф қиларди. Бу даврда маданий ҳаётнинг кучайиш даражаси IX - XII асрлар орасидаги илк мусулмон ренессансидан қолишмайди.

Натижалар муҳокамаси: Талабалар ўртасида сўров ўтказилганда Амир Темур даврида ер эгаллиги ҳақида талабалар ўз фикрларини берганда, бу даврдаги ижтимоий жараёнларга улар томонидан ижобий баҳо берилди.

Хулоса:Тарихни билиш , уни урганиш биз ёшларда аجدодлардан бугунги кунимиз учун тўғри йўналиш олишимизда жуда керак бўлиб Амир Темур давридаги ижобий жараёнларни ҳаётимизга татбиқ этишда бу муҳим омилдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мухитдинова, Х. Н., Абдусалиева, Т. М., Сатвалдиева, Э. А., & Холбаева, Д. С. (2016). Ультразвуковые особенности структуры головного мозга младенцев при желтухе. Вестник экстренной медицины, (4), 31-35.

2. Шутеева, Т. В. "Современные подходы к вопросам коррекции когнитивных и эмоциональных расстройств у пациентов с хронической ишемией мозга." Российский медицинский журнал 21 (2017): 1507-1510.